



УСТОЗ КЎРМАГАН ШОГИРД...

5-бетда

ЭРКАК ҲАМ ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ

6-бетда

ИРОДАНГИЗНИ СИНОВГА СОЛИНГ

7-бетда

Ошма Ва

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

12 (1267)-сон 23 март 2016 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Жамият

ТИНЧЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК НАШИДАСИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Мухтарам меҳмонлар!

Табиат уйғониб, гул-чечаклар очилиб, атроф яшил либосга бурканиб бораётган шу кунларда яшариш ва янгиланиш фасли бўлмиш Наврўзи олам юртимизга кириб келиши билан сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаш, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва самимий тилакларимни изҳор этиш – мен учун катта бахтдир.

Наврўзи олам барчамиз учун неча минг йиллик тарихга эга, илдиэлари “Авесто” даврида пайдо бўлган, қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан йироқ, кеча ва кундуз тенг келадиган шарқона янги йил бўлиб, эл-юртимиз табиатига, онгу тафаккури, қалби-шуурига чуқур сингиб кетган энг сеvimли, энг гўзал баҳор байрамидир.

Айни шу бетакорор ва дилбар фаслда кўклам нафаси ва майин шабадалар кириб келиши, куртакларнинг очилиши билан инсон вужудига баҳор нашидаси югургандек бўлади. Барчамиз ўзимизни яша-риб кетгандек, куч-қувват, ғайрат ва шижоатга тўлгандек сезамиз, ўзимизни табиатнинг узвий ва ажралмас қисми деб ҳис қиламиз.

Айни шу файзли, шодиёна дамларда юртимизнинг барча гўшаларида, қир-адирлар, боғу рогларда юртдошларимиз сумалак ва ҳалим, кўксомса ва гўжа каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпланиб, бу баҳор неъматларини ўз оиласи, яқинлари, дўсту биродарлари билан баҳам кўришга интилади.

Ҳеч шубҳасиз, бундай хурсандчилик ва сайил-томошаларни кўпчилик хонадон ва маҳаллаларда, марказда, узоқ ва чекка қишлоқларда кўриш, кузатиш қийин эмас.

Аҳолимиз, қайси миллат ва элат вакили бўлишидан қатъи назар, байрамона кайфиятга берилиб, бу ажойиб айёмни катта шоду хуррамлик билан ўтказди, бундай дамларда нафақат таниш, балки нотаниш одамларни ҳам қутлаб, бағрига босиб, соғлик, бахту саодат ва омад

тилаши ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, десам, ҳақиқатни айтган бўламан.

Мен ҳам айни шу дақиқалардан фойдаланиб, мана шу муаззам ва гўзал майдонда тўпланган сиз, азизларга, бутун халқимизга қарата Алишер Навоий бобомизнинг табарруқ сўзлари билан айтмоқчиман: “Барчангизга Наврўз байрами муборак бўлсин, ҳар кунингиз Наврўз бўлсин!” деган самимий тилакларимни, меҳр-иззатимни қабул қилишингизни сўрайман.

Қадрли дўстлар!

Наврўзнинг ўлмас руҳи ва қадритлари авлодлардан-авлодларга безавол ўтиб келмоқда, орадан қанча йиллар, замонлар ўтмасин, бу гоё ва одатлар бугунги кунларда ҳам халқимизнинг онгу тафаккурида чуқур из қолдириб, кучайиб бормоқда.

Шу ўринда баъзи бир мисолларни олиб келмоқчиман.

Неча минг йиллик тарихимиздан маълум: Наврўз фаслида турли низо ва адоватлар, гина ва аразлар унутилиб, одамлар, миллат ва элатлар ўртасида меҳр-оқибат, шафқат ва мурувват, ҳамжихатлик каби инсоний туйғулар янада кучаяди.

Шу борада бир фараз қилайлик: агарки, бугунги кунда халқаро майдонда тобора авжига чиқаётган кескинлашув, можаро ва қарама-қаршилиқларни, ҳали-бери давом этаётган қон тўкишларнинг олдини олиш, пайдо бўлаётган муаммоларни фақатгина тинчлик ва сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилишга қайтсак, халқимиз ибораси билан айтганда, олам гулистон бўларди.

Ишончим комил, агарки шу кунларда кўпни кўрган, қанча-қанча синовларни бошидан кечирган, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагининг тўрида сақлаб келадиган, меҳр-оқибатли халқимиздан, шарқона янги йил кириб келиши арафасида туриб, янги йилда сизнинг энг эзгу ниятларингиз нималардан иборат, деб сўраса, халқимиз, ҳеч иккиланмасдан, бизга тинчлик ва омонлик керак, деб жавоб бериши муқаррар.

(Давоми 2-бетда)



АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР БЎЛИБ ЎТДИ

Наврўз – халқимизнинг азалий қадриятлари, эзгу орзу-интилишларини мужассам этган, аجدодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган қадимий байрам. Мустақиллик унга ёшлик, янги ҳаёт бағишлади. Истиқлол йилларида Наврўз мазмунан бойиди, мамлакатимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орзиқиб кутадиган умумхалқ байрамига айланди.

Давлатимиз раҳбарининг “2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида бу айёмга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди. Халқимиз бу кунни янги муваффақиятлар билан кутиб олмақда. Шундай фаровон кунларга, байрамларга етганига шукроналар айтиб, хурсандчилик қилмоқда.

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамо-на безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият ва санъат намояндлари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари, ёшлар ташриф буюрган.

Соат 10:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қарсақлар билан кутиб олади.

Чорлов муסיқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади. Президентимиз халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

(Давоми 2-3 бетда)

ТИНЧЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК НАШИДАСИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундай яқдилликнинг сабаби ва илдишларини аввало бизнинг қадимий тарихимиз, кўп қиррали буюк маданиятимизда, умумбашарий тараққиётга ўчмас ҳисса қўшган улуг олим ва мутафаккирларимиз қолдирган бебаҳо меросда, она юртимиз кўп замонлар давомида билим, маънавият ва маърифат маркази бўлиб келганида кўриш даркор.

Бунинг устига, азал-азалдан халқимизга мансуб бўлган олижаноблик, бағрикенглик, одамийлик ва меҳрибонлик, муҳтож бўлганларни қўллаб-қувватлаш, кексаларнинг дуосини олиш, етим-есирларнинг бошини силаш каби савоб ишларни бажо келтиришда бундай хусусият ва аломатлар аҳолимизнинг қон-қонига, суюқ-суюгига сингиб кетгани ҳеч кимга сир эмас.

Буларнинг барчаси асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб, бойитилиб, охир-оқибатда эзгу инсоний тушунчаларга айланиб, халқимизнинг маънавий ва амалий дунёқарашини учун мустаҳкам пойдевор

бўлган.

Табиийки, бундай олижаноб, ноёб хусусият ва фазилатларга эга бўлган, пок орзу-интилишлар билан яшаётган, ўзи учун тинчлик ва омонликни, мусаффо осмонни истайдиган халқимиз, ҳеч шубҳасиз, яқин ва узоқ кўшнилари билан ўз муносабатларини ўзаро ҳурмат, дўстлик, ҳамжихатлик, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш асосида куради. Ва юртимизни, аҳолимизни ҳар қандай бало-қазолардан омон сақлашни ўзининг устувор вазифаси деб билади.

Мана шундай қувончли дамларда бугун бизга катта ҳурмат ва эҳтиром билдириб, шу гўзал майдонда Наврўз шодибанларимизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотлар вакиллари, хорижий шерик ва ҳамкорларимизни, бир-бирининг манфаатларимизни сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан Наврўз байрами билан қутлашга, уларга қизгин ҳурмат ва саломимизни йўллашга

руҳсат бергайсиз.

Мухтарам юртдошлар!

Бугун мана шу фазли майдонда жамулжам бўлган сиз, азизларни қўллаб, сизларнинг тимсолингизда аввало Ўзбекистонимизни янада обод ва фаровон қилиш йўлида ўзининг мардона меҳнати ва матонати билан улкан ҳисса қўшаётган, эришаётган ютуқ ва марралари билан барчани қўйил қолдираётган, ёвуз кучларга бош эгмайдиган, ўз қадр-қимматини, мустақиллигини юксак баҳолайдиган, бағрикенг халқимизни кўраман. Ва шу юксак минбардан туриб, шундай олижаноб фазилатлар соҳиби бўлган халқимиз олдида таъзим қиламан.

Бизнинг таянчимиз ва суюнчимиз бўлмиш Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман: бошимиздан кечираётган, шиддат билан ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган давр барчамизнинг, биринчи навбатда, сиз, азиз фарзандларимизнинг олдида замонавий билим ва касб-хунарларни, интеллектуал бойликларни

қуқур эгаллаш, шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини янги босқичга кўтариш, иқтисодийтимизни янгилаш, модернизация ва диверсификация қилиш, буларни тараққиётимизнинг локомотивига айлантириш каби вазифаларни қўймоқда.

Айни шу улкан долзарб мақсадларга эришиш йўлида сиз, азизларнинг халқимиз, Ватанимизнинг ишончини оқлашга қодир эканингизга ишонаман ва барчангизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Азиз ва қадрли ватандошларим! Мана шу нурафшон ва гўзал айёмда барчангизни кириб келаётган Наврўз байрами билан яна бир бор чин юракдан табриклайман.

Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, меҳру оқибат, бахту саодат, кут-баракати олиб келсин!

Барча-барча орзу-ниятларимиз ушалсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мусаффо осмонимиз узра куёш чарақлайди. Муазам майдон атрофидаги улкан ҳаво шарлари майин тебранади. Турфа ранглардаги байроқчалар, анвойи гуллар кўзини қувонтиради.

Саҳна теграсидаги дарахлар, майсазорлар юртимизнинг баракали боғу далаларини эслатади. Охишта айланаётган чархпалак ободлик ва фаровонлик белгиси – обихаёт олиб келади. Ҳар бир юртдошимизга таниш, кўнгилга яқин бундай фазли манзара қалбларга кўтаринкилик бағишлайди.

Майдон узра карнай-сурнай садолари янграб, байрам бошланганидан дарак

2015 йилги Наврўздан бир неча кун ўтиб, 29 мартда мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови бўлди. Демократия принципларига тўла мос равишда ўтган ушбу тадбирда сайловчиларнинг 90,39 фоизи Ислам Каримовга овоз берди. Бу Ислам Каримовнинг мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, ҳаёт сифатини юксалтириш борасидаги беқиёс хизматларини халқимиз муносиб баҳолаши, барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларни давом эттиришни



қовуз, сибизга куйлари янграб, сахнага фольклор-этнографик ансамбллар кириб келади. Наврўз сайли намойиш этилади. Дошқозонларда сумалак тайёрланади, тандирдан иссиқ нонлар узилади. Йигит-қизлар қўшиқ айтади, рақсга тушади.

Ўзбекистонда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик олий қадрият даражасига кўтарилган. Жамиятимизда меҳр-оқибат, ҳамжихатлик ва бағрикенглик муҳити қарор топган.

Тинчлик ва барқарорлик сабаб мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Энг ривожланган давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар Ўзбекистон билан ҳамкорликка интилмоқда.

2015 йил июнь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун расмий ташриф билан мамлакатимизга келгани бунинг яна бир тасдиғи бўлди.

Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, терроризм ва жиноятчиликка қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, илм-фан, маданият ва санъатни ривожлантириш бора-

сидаги ташаббуслари БМТ томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Мамлакатимиз ушбу ташкилот ва унинг қатор тузилмалари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали 2015 йили ўнинчи бор ўтказилди. ЮНЕСКО шафелигида ўтказиб келинаётган ушбу мусиқий анжуман халқлар ўртасидаги маданий мулоқотни ривожлантириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз катъий равишда тинчликпарвар сиёсат юритиб келмоқда.

...Майдон атрофида оппоқ лайлақлар кўнин топган. Бу мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталикни, фазлу баракани ифодалайди.

Тинчлик – тараққиётнинг асосий омили. Тинчлик-осойишталик бўлган жойда ривожланиш бўлади, одамлар бунёдкорлик, яхшилик истаги билан яшайди. Буни мамлакатимизда иқтисодий ўсиш суръатлари давом этаётганда яққол кўриш мумкин.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 6 баробар, аҳоли жон

бошига тўғри келадиغان реал даромадлар 9 баробардан зиёд ўсди. Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимиз жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида барқарор ривожланмоқда. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари кейинги ўн бир йилда 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда. Макроиқтисодий кўрсаткичлар мутаносиблиги, давлат бюджети ва тўлов балансининг барқарор равишда профицит билан бажарилиши, экспорт ва олтин-валюта захираларининг ўсиши таъминланмоқда.

Бу Президентимиз томонидан асос солинган, халқимиз кенг қўллаб-қувватлаган ва бутун жаҳон эътирофи этаётган тараққиётнинг "Ўзбек модели" самараларидир. Халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилаётган бундай ютуқ ва марраларни бутун дунё тан олмақда. Халқаро эксперт ташкилотлари, нуфузли рейтинг компаниялари мамлакатимиз ривожининг бугунги ҳолати ва истиқболларини юқори баҳоламоқда.

Ўтган йили Швейцарияда Жаҳон иқтисодий форуми – "World Economic Forum" иқтисодиёти энг тез ривож-



беради. Шундай фараҳбахш дамларда она табиятда рўй бераётган яшариш, янгилашниларни қалбидан ўтказаяётган юртдошларимиз кўнглида шодлик, яна бир Наврўзга эсон-омон етганимиз, эл-юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш уради.

Наврўз янгиликларни, яхшиликларни бошлаб келади.

қўллаб-қувватлашининг даллати бўлди.

"Келди баҳор...". Кўнгилларга қўлдам сурурини бахш этган сеҳрли оҳанг оғушида юртимизнинг гўзал табияти, бетакрор қадимий обидаларию замонавий иншоотлари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрку таровати кўз ўнгимизда гавдаланади.

Мумтоз наволар халқ қўшиқларига уланади. Чан-

(Давоми 3-бетда)

ТИНЧЛИК, ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК НАШИДАСИ

(Давоми. Боши 1-2 бетда)

ланаётган мамлакатлар рейтингини эълон қилди. Жаҳон банкининг "Глобал иқтисодий тараққиёт" прогнози асосида тайёрланган мажбу

мадад бўлмоқда.

Наврўз кунларида халқимизга хос меҳру оқибат, хайру саховат янада яққол намоён бўлади. Эл-улус очиқ юз билан бир-биридан хабар

хотлар моҳиятан ана шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётгани халқаро танлов ва мусобақаларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Биргина ўтган йили спортчиларимиз 165 халқаро мусобақада иштирок этиб, 983 медални қўлга киритди. Ёш мусиқачи ва ижрочиларимиз нуфузли халқаро танловларда 137 совринли ўринни эгаллади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2016 йил мамлакатимизда Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилинган бу соҳага эътиборнинг яна бир ёрқин далили бўлди.

...Майдонда жаҳон мусиқалари янграйди. Классик опера ва балетлар, турли тиллардаги қўшиқлар байрам қатнашчилари, чет эллик меҳмонларга завқ бағишлайди.

– Наврўз Ўзбекистонда зўр тантана билан нишонланади, – деди Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси Фумихико Като. – Миллий аъналарингиз халқ, айниқса, ёшлар томонидан фахру ифтихор билан қабул қилиниши эътиборга молик. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида, икки томонлама манфаатдорлик асосида барча соҳаларда изчил ривожланаётгани бизни гоят қувонтиради. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан чин дилдан муобракбод этаман!

...Наврўз томошалари кўтаринки руҳда давом этади. Мониторларда кураш, улук кўпқари, арқон тортиш, тош кўтариш, дорбозлик каби завқли аъналар намойиш этилади. Ўланичу лапарчилар деҳқончиликка барака тилаб, Наврўз, табиат ҳақида қўшиқлар айтади.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатлари ривожлантирилаётгани, фермерлик ҳаракатига кенг имкониётлар берилаётгани самарасида ҳар йили юксак ҳосилдорликка эришилмоқда. Ўтган йили мамлакатимизда 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд галла, 3 миллион 350 минг тоннадан ортик пахта, 14 миллион 500 минг тоннага яқин сабзавот ва полиз, 4 миллион 300 минг тонна богдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу боис қишин-ёзин бозорларимиз фаровон, нарх-наво меъериди.

Мамлакатимизда тайёр

саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, мева-сабзавот экспорти йилдан-йилга ошиб бормоқда.

– Наврўз – ажойиб байрам, – дейди Германиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Найтхарт Хёфер-Виссинг. – Бу байрам барчага қувонч улашади, ҳамжихатлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Биз ҳам бу шодиёнада иштирок этиб, турли касб эгалари, хорижлик меҳмонлар, ҳамкасбларимиз билан дийдор кўришамиз, байрам дастурини мириқиб томоша қиламиз. Байрам тантанасидаги кўтаринки рух, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик мамлакатингиздаги тўқинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаёт ифодасидир.

Наврўз кунларида инсон ўзини табиат билан узвий боғланганини янада тيرانроқ ҳис этади. Она заминни ардоқлаб, бугунги тинч ҳаётнинг қадрига етиб яшаш кераклигини яхшироқ англайди.

Халқимиз азалдан тўю тантаналарга орасталик, бунёдкорлик билан таратқил қўрган. Ота-боболаримиз Наврўзни покзаалик, эзгу орзу-ниятлар билан кутиб олган. Чунки тозалик, саран-

хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. Бу иншоотлар Ватанимиз чиройига чирой қўшади, юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

– Наврўз тантаналарини томоша қилар эканман, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланаётганига, одамларимизнинг турмуш даражаси ўсиб, дунёқарши ўзгариб бораётганига яна бир бор амин бўлдим, – дейди Наманган вилоятидан келган хусусий тadbиркор Фани Умаров. – Бу ўзгаришлар мана шу тантаналар шукуҳида, юртдошларимизнинг қувончида ҳам яққол кўриниб турибди. Шундай дорилмомон кунларга етганимизга шуқронлар айтганимиз. Илоҳим, доимо юртимиз тинч, ҳаётимиз бундан-да обод, турмушимиз янада фаровон бўлсин.

...Байрам томошаси қизигандан қизийди. Эстрада хонандаларининг шўхшодон қўшиқлари, жозибадор рақслар юракларни жұштиради.

Майдон атрофида ташкил этилган халқ унарамандлари кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар халқимизнинг бой маданий



маълумотда Ўзбекистон 2014-2017 йилларда йиллик ўсиш даражаси юқори бўладиган давлатлар орасида 5-ўринни эгаллади.

Мамлакатимиз иқтисодий таркибий ўзгариши, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш изчил давом эттирилмоқда. 2015 йилда ана шу мақсадларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди. Умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион доллар бўлган 158 йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Жанубий корейлик инвестор ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сургил қони негизда қиймати 4 миллиард доллардан зиёд бўлган Устюрт газ-кимё маҳмуаси барпо этилгани, Самарқанд – Қарши темир йўл участкасида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Афросиёб" электр поезди қатнови йўлга қўйилгани халқимизга мамнуният бағишлади.

Барча соҳалардаги тараққиёт мамлакатимиздаги ободликда ҳам намоёндр. Шаҳару қишлоқларимизда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Ўтган йили пойтахтимизда ўнлаб кўп қаватли замонавий уйлар, йўл ва кўприклар қурилди. Қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида 12 мингта уй-жой, қарийб 170 инфратузилма объекти барпо этилди. Бундай ишлар самарасида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси ўзгариб, одамларнинг ҳаёт сифати юксалиб бормоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлашга оид дастурларга мувофиқ, ёш оилаларга топширилаётган "Қамолот" уйлари уларнинг оёққа туриб олиши, ҳаётда ўз ўринини топиши ва фарзандларини барқамол этиб тарбиялаши учун катта

олади, беморлардан ҳолаҳвол сўрайди. Ёши улуг инсонлар, табаррук отахон ва онахонларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилади.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши ёши улуг инсонларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш, муҳтарам факрийларнинг кўнгилни кўтариш, саломатлигини мустаҳкамлаш, улар учун қўшимча қўлайликлар яратиш йўлида олиб борилаётган ишлар самарасини янада оширди.

Кексаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида пенсия миқдори 20 фоиздан зиёд кўпайтирилди. 100 ёшга етган ва ундан ошган нурунийларнинг пенсиясига энг кам иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида устама тўлаб бориш тизими жорий этилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганлар санаторий-курортларда бепул даволанди.

...Саҳнага болақайлар кириб келади. Майдон шўхшодон кулгуга тўлади. Уларнинг абжир ҳаракатлари, хушқачқак куй-қўшиқлари барчага завқ-шавқ улашади.

Булар – мустақил йилларида туғилган, давлатимизнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги оғушида ўсаётган соғлом болалар. Биздан кўра кучли, билимли, доно ва бахтли бўлиб улғаяётган авлод.

Президентимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан соғлом авлодни тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди ва бу эзгу иш изчил давом эттирилмоқда. Оналарнинг соғлом бўлиши, болаларнинг соғлом туғилиши ва ўсиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Аҳоли ҳаёт сифатини юксалтириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишлардаги исло-



жом-сарихталик бор жойда кут-барақа, сиҳат-саломатлик бўлади.

Бу йил ҳам баҳорнинг илк кунларидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. 12-13 март кунлари мамлакатимиз бўйлаб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида маҳалла ва кўчалар тозаланди, хиёбону боғлар, корхона ва ташкилотлар атрофи ободонлаштирилди. Қадамжолар, қабристонлар тартибга келтирилиб, мевали ва манзарали дарахтлар, гул қўчатлари экилди. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексага яқин сабзавот ва полиз, 4 миллион 300 минг тонна богдорчилик маҳсулотлари етиштирилди. Шу боис қишин-ёзин бозорларимиз фаровон, нарх-наво меъериди.

Байрам арафасида янги уй-жойлар, корхоналар, тиббиёт ва ўқув муассасалари,

мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнгилларда фахр-ифтихор уйғотади.

Наврўз байрамини ўнлаб мамлакатлар аҳолиси сунъий йўлдош воситасида телевидение орқали томоша қилди, интернет орқали кузатиб борди.

Майдон узра янграган куй-қўшиқлар олис-олисларга таралади, бу ердаги кўтаринки рух, байрамона кайфият бутун юртимизга ёйилади.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари, байрам шодиёналари давом этмоқда.

Нодира МАНЗУРОВА,
Анвар САМАДОВ
ЎЗА мухбирлари



Сарвар Ҳормонов, Азлю Абдуллаев (ЎЗА) олаш суратлар.
uz.uz сайтидан олинди.

Наврўзда ўтказиладиган урф-одатлар ва халқ ўйинларида ижро этиладиган айтимлар ўзбегимнинг қадриабат анъаналарию, ўзбекона самимиятини ўзида мукамал акс эттиргани учун ҳам гоят қадрлидир.

Қадимдан Наврўзни замин билан боғлаб нишонлаган ота-боболаримиз бу кунни тўкин-сочинлик, баракага етиш, қишнинг қировли кунларидан ўтиб, кўкламнинг ёруғ кунларига эришиш фурсати деб билган.

Халқимиз орасида урф бўлган қадимий анъанага кўра, йилбоши байрам кунинда болалар орасида — “варрак учириниш”, “чики-даста”, “қулоқ чўзма”, “жон-жон” (ёки айрим ҳудудларда “жон олиш”), “жун тепди” (“қараб теп” ёки “ланка”), “жамбил” ўйинлари, қиз болалар орасида эса — “тўп тош”, “ҳалинчалак учиниш”, “арғимчоқда сакраш”, “лаппак” ўйинла-

ри машҳур бўлган. Шунингдек, катталар орасида — туя уриштириш, хўроз уриштириш, бедана тухум ва бўялган тухум уриштириш, кўпқари, кўчқор уриштириш ўйинлари ўтказилган.

Инсонларни болалиқданок фаолликка, зийракликка ўргатувчи ўзбек халқи маънавий хазинасининг бебаҳо қадриятлари сифатида эъзозланиб келинувчи болалар ўйинлари, айтим ва кўшиқларсиз ўлмаган. Жумладан, Наврўз сайлида жам бўлган зукко болажонлар томонидан “яшин-топақ”, “тез айтиш” ўйинларида куйи-

куни тўпланиб, боғ сайрига чиқишган. Азим ўриқларнинг бақувват шохларига арқон ташлаб, арғимчоқ — ҳалинчақлар ясаб, навбати билан учинган. Халқимиз орасида, кимки Наврўзда арғимчоқ учса, йил бўйи билиб-билмай қилган гуноҳлари тўкилади, деган гап бор. Шу боис кекса момолар ҳам, “Наврўзда арғимчоқ учсак савоб бўлади! Оғирлигимиз ерга тўкилади, қушдек енгил бўламиз!” — деб, ҳазил-хузул билан арғимчоқ учинган. Набиралари эса, “Момомизнинг ёшига етайлик”, деган эзгу ниятда арғимчоқнинг ипи-

бўлиб айтилган:

**Ҳалинчагим ҳайла,
Отинг толга бойла,
Отинг толга турмаса,
Гулхайрига бойла.**

**Гулхайрининг гули кўп,
Бойбувамнинг ули кўп.
Бойнинг ули куйинчақ,
Ҳалинчақ уч, келинчақ.**

Хуллас, Наврўз байрами ерни севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан лаззатла-

Асрлар-ла сирлашган БАЙРАМ

даги “санама”лар айтилган:

**Бир анос, икки анос;
Уч анос — учгинаси,
Тўрт анос — тўртгинаси.
Беш анос чамбарда,
Олтиси омарда...
Алағай-палағай,
Учди-ю кетди!**

**Бир туп тут,
Тутнинг тағида
Бир туп турп.
Тут турипни туртиб турибдимми?
Турп тутни тутиб турибдимми?**

Наврўз кунинда сочига толпопуқлар тақиб, қошига ўсмалар қўйган киз-жувонлар анъанага кўра, сайил

дан тутиб ҳаракатлан-тирганлар. Турмушга чиқмаган қизлар, фарзанд кутаётган келинчақлар арғимчоқни баландлатиб, ҳаволатиб учишга ҳаракат қилганлар. Улар ҳар гал шўх кулгу билан ўриқнинг энг баланд шохидида оппоқ гуллар орасидан эндигина бўртиб чиққан япроқларни узиб олишга интилганлар. Фольклоршунос олим О. Сафаровнинг аниқлашича, гўё арғимчоқ учаётган келинчақ дарахт учидан япроқ узиб ололса, жамики ўйлаган ниятларига етаркан. Ҳалинчақ учиниш жараёнида қуйидаги кўшиқлар жўр

нишга, эзгуликнинг боқийлигига имон келтиришга ўргатади. Наврўз эски йил туғаб, янгиси бошланадиган, деҳқон ерга умид билан барака уругини қадайдиган, чўпон кўй-қўзиларини ям-ашиил ўтлоққа ҳайдайдиган саодатли кундир.

**Шаҳодатбону
ИМОМНАЗАРОВА,
ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги
Тил ва адабиёт институти
илмий ходими**

МАЪРИФАТ ТАРҚАТИШ — УЛУҒ ИШ

Дарҳақиқат, орамизда шундай одамлар борки, уларнинг исми ни эшитганингиздаёқ сизни дарров ёқимли ҳислар қулғаб олади. Улар билан мириқиб суҳбатлашасиз, содда қилиб айтганда, суҳбатига тўймайсиз. Бундай инсонларни гарчи кўпчилик танимаса-да, лекин дўстлари, қишлоқдошлари орасида ўз ўрни бор. Пастдарғомлик Фафур ака Амиров ана шундай инсонлардан.



ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

ва ён-атрофимизда рўй бераётган воқеликлардан хабардор этиш, уларни интернет орқали кириб келаётган турли «оммавий маданият» иллатлари, мафкуравий таҳдидлардан иҳоталашга хизмат қилмоқда.

Газета ёки журнал нашр этиш истаги Фафур акада кечагина пайдо бўлгани йўқ. Унинг ўтган ҳаёт йўлига назар солсак, бунинг исботи кўрамыз. Фафур Амиров 1972 йилда Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетини битирган. У тақдир тақозоси билан турли соҳаларда ишлади. Лекин қаерда ишлаганини, доимо намуна кўрсатишга интилди.

— Тақдиримга кўпроқ ёшлар билан ишлаш битилган экан, — дейди қулиб Фафур ака. — Ҳатто ёшларга аталган «Ер юзи» журнали ва «Истиклол умидлари» газетасини ташкил этганим

ҳам бежиз эмас. Маърифат тарқатиш ҳам савобли, ҳам улуг иш. Маърифат ёшларни тўғри йўлга бошлайди.

Умрини фақат эзгуликка, савобли ишларга бахшида этаётган қахрамонимиз турмуш ўртоғи Сарвара опа билан уч нафар фарзандини оқ ювиб, оқ таради. Уларни ўқитди. Бугун фарзандлари ҳам эл-юрт хизматига. Уз оиласида бахтиёр бўлган инсоннинг жамиятдаги ўрни янада салмоқли бўлади. Юрт фаровонлиги йўлида ҳалол хизмат қилиб келаётган Фафур Амировнинг эзгу ишлари, истиқболли режалари кўп. Уларни амалга ошириш учун унда куч ҳам, билим ва тажриба ҳам етарли. Ҳар кимга ниятига яраша, деб бежиз айтишмас экан.

Орамызда ана шундай одамлар кўпаяверсин.

Илхом ЖУМАНОВ

Ургут тумани, Ғўс маҳалласида истиқомат қилувчи Феруза Аҳророва 5-6 ёшлигидан бошлаб кашта тикади. Қишлоқдошларининг аксарият хотин-қизлари шу ҳунар билан шугуллангани боис, улар учун бу юмушни билмаслик уят саналади.

КАШТАЧИЛИҚДАН даромад оляпмиз

— Турмушга чиққанимдан сўнг каштачиликдан даромад олиш мумкинлигини қайнонам Мавлуда Ҳамдамовадан ўргандим, — дейди Феруза Аҳророва. — Самарқанд вилоят «Хунармандлар уюшмаси»га аъзо бўлдим. Буюртмалар асосида оилавий кашта тикиб, даромад қиламиз. Қизларим ҳам кашта тикади. Оиламиз аъзоларининг ҳаммаси банд. Даромад олиш билан бир қаторда оиламиз то-



Суратда: Феруза Аҳророва қизи Маржона Эгамбердиева билан.

тувлиги, гўзалликдан завқланиб, келажакка интилиб яшашимиш шу кашталар туфайлидир. Ҳозирда болишпўш, дўппи, чопон, зардевол каби 15 турдаги буюмларини тикамиз.

Гулрух МЎМИНОВА

Бахтиёр МУСТАНОВ оingan сурат.

УСТОЗ КЎРМАГАН ШОГИРА ҲАР МАҚОМГА ЙЎРҒАЛАР

Рақс миллат маънавиятининг ҳаракатдаги кўринишидир. Шу боис унинг жамоат олдидида ижро этилиши катта масъулият дегани. Аслида, ўзбек рақс санъати узоқ йиллик тарихий ривожланиш йўлини босиб ўтган. Қадимий деворларда акс этган рақсга тушаётган одамлар тасвири бунга яққол далил. Санъат фидойилари сабаб у асрлар оша сайқалланиб, жилоланиб, ажодлардан авлодларга мерос қолди.

Халқ рақси ва сахна рақси бир-бирини тўлдирган, бир-бирига таъсир кўрсатган ҳолда муайян босқични босиб ўтди. Табиийки, бу йўлда муваффақиятлар ҳам, йўқотишлар ҳам бўлган, албатта. Уста Олим Комилов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Исохор Оқилов, Кундуз Миркаримова, Розия Каримова каби рақс усталарининг меҳнати, саъй-ҳаракати, улар яратган ансамблларнинг, тарбиялаган раққос ва раққосаларнинг фаолияти туфайли халқ рақс мероси бугунги кунгача етиб келди. Айниқса, ўзбек рақс қиролчаси, дея тан олинган Мукаррама Турғунбоева 1957 йилда

ган тақинчоқлари ўзбек миллий рақсларига мутлақо мос тушмайди. Бухороча кийинишади - да, фарғонача рақсга тушишади ёки бошига пат тақиб олса бўлди, у кийим Хоразм либосига айланадигандек, хоразмча ўйнашади. Ўйнагандаям бузиб ёки шарм-ҳаёсиз қилиқлар қилиб, томошабинлар асабини бузиб ўйнашяпти.

Кўркмас САГАТОВ, “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси Бадий кенгаши аъзоси:

— Хусусий рақс ансамблини очиш учун биргина маблағ ва танишларнинг борлиги етарли эмас. Бунинг учун ўша раҳбар, ўша балетмейстер ёки раққоса 10-15 йил бирор ансамблда фаолият юритиши, устозлар саҳналаштирган барча рақсларни билиши, сахна чангини ютган бўлиши керак. Ҳозир хусу-

хотираларга муҳрланадиган, қалбларни забт этадиган рақслар йўқ. Ижрода маданият қолмади.

Рақсга нисбатан ҳурмат йўқолди, фидойилик етишмаяпти. Ўзимдан кейин нима қолдираман, деган фикр йўқ ҳозирги раққосаларда. Клипда ўйнаб, ўзини кўрсатса, пулини олса бўлди. Ўзбек рақсида умуман йўқ ҳаракатлар пайдо бўлаётгани мени ташвишга солади. Шунанга раққосалар борки, битта ижрони бошқа кўшиқча қўйиб, ўйнаб кетаверади. Афсуски, айрим раққосаларни нари борса, икки, уч йил халқ эслайди, холос. Опа бундайларни

гапларни эшитганимдан кейин ўзимни “рамка”га солмоқчи бўлдим. “Тановор”га ҳеч қандай мимикасиз оддий рақсга тушдим. Биласизми, гўёки у мен эмас эдим. Чунки ҳеч нарсани ҳис қилмадим. Рақсни қандай ўргатишган бўлса, худди ўшандай қилиб қўғирчоқдай ўйнолмайман-ку.

Яқинда ўзим ижро этган рақсларимнинг деярли ҳаммасини кўриб чиқдим. Ишонасизми, улардан қоникмадим, демак, бошқатдан ижод қилишим керак, деган фикрга келдим.

Алишер МАДРАХИМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

Туркча, эронча, хиндча, ҳатто, тушуниксиз ғарбча ҳаракатларнинг ўзбекча кўшиқларга кўр-кўрона ишлатилиши бугун оддий ҳол. Либосларни-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Тўғри-да, соҳанинг мутахассислари, рақс фидойиларидан эътироз бўлмагач, истаган киши ўзини балетмейстерман, рақсни замонавий ҳаракатлар билан бойитяпман, деб кўкрак керишда давом этаверади. Ҳақиқий рақс санъати ихлосмандларининг кўнглини эса нега Мукаррама Турғунбоева, Уста Олим Комилов, Розия Каримова-нинг рақс бобидаги назарини ва амалий ўғитларига амал қилинмаяпти? Нега жаҳон сахналарини забт этган “Муножот” ва “Тановор” сингари ўлмас рақслар яратилмаяпти? Нима сабабдан рақс шоу-бизнесга айланиб қолди, деган саволлар қийнайдеради.

Вилоят ОКИЛОВА, Ўзбекистон халқ артисти:

— Илгари бастакорлар раққоса учун махсус куй ёзишарди. Ҳозир фақат ялла. Ашулачи ўртада, раққоса унинг орқасида юзориб юради. Ким нимани хоҳласа, шуни қилиб ётиб-

ди. Устозлар кам қолди, балетмейстерман, деганлар кўп. Лекин биттаям янгилик йўқ. Рақс ўз маъносини йўқотди. Томошабинга ёқади, деб исталган ҳаракатни қилиб бўлмайди. Биз рақс билан томошабинларни тарбиялаймиз ахир?! Мукаррама опа “Бухорча”, “Муножот”, “Тановор” рақсларини ўйнаб бўлгач, чарчаганидан сўнг ялла рақсга тушарди. Ҳозир биттаям яқна рақс йўқ. Ҳамма яллачи бўлиб кетган.

... Улкан концерт залларида қўйилаётган концерт дастурларидаги рақсларга эътиборингизни қаратмоқчимиз. Шим, елкаси белигача очик ва ё калта қўйлақларда рақсга тушаётган раққосаларнинг ҳаракатлари гимнастика машқларини эслатади. Савол тугилади, ўхшовсиз, шарм-ҳаёдан йироқ бундай элементларни ким ўйлаб топяпти?

Зухра ҒОЗИЕВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Хоразм рақслари ўйноқи бўлса-да, бугунгидек тез ижро этилмайди аслида. Лекин ҳозир хоразмча кўшиқларни эшитсангиз, сўзларига тушунмайсиз. Рақс ҳаракатлари ҳам ниҳоятда шиддатли бўлиб боряпти. Ҳаракатларни бузиб ижро этишяпти. Ҳаёсиз ҳаракатлар кўпайиб кетди. Уялганимдан бошимни ердан кўтаролмай қоламан.

Бугун маъно-мазмунсиз, енгил-елпи кўшиқларга ҳам рақс саҳналаштирилмоқда. Мантиқсиз “кўшиқча” баъканга қилиқлар билан хиром айлаётган раққоса, гўёки клипда кўштироқ ичидаги маҳоратини намоиш этади. Қўшиғи нима ҳақда эканини ўзи тайинли тушунмаган хонанда раққосанинг айбини қаердан кўра олсин? Шу тарихи мантиқсиз, бетайин ҳаракат юзага келаверади, раққоса мақтанади, кўшиқчи хурсанд бўлиб телеэкранлардан тушмай қолади. Томошабин эса кўнглидан ўтаётган саволларга бундай рақсларни саҳналаштираётган балетмейстердан жавоб олишни хоҳлайди.

Кўз ва қолларни учириб, ўхшовсиз жилваланаётган раққосаларимиз ўзларига четдан назар солиб кўрган миканлар? Томошабин кўришга хижолат бўлаётган бу каби рақслар наҳотки, раққосаларнинг ўзларига эриш ва уятли туюлмаса? Ачинарлиси, тўй-ҳашамларда ёш қизчалар айнан ана шу раққосаларнинг ҳаракатларини такрорлашмоқда. Демакки, бетакор рақс санъатимизнинг эртаси ҳақида жиддий-роқ ўйлаш, мулоҳаза қилиш вақти келди. Бу муаммо нафақат соҳа мутахассислари, балки санъатга ошуфта ҳар бир кишини ташвишлантирсина ўз ечимини топади.

Нилуфар ЖУМАЕВА, журналист



асос солган “Баҳор” ансамбли ўзбек миллий рақсларини бутун дунёга танитди.

Қодир МҮМИНОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Мукаррама опа “Баҳор” ансамбли билан Ҳиндистонда бир ярим ой гастролда бўлган. Ўшанда ҳинд диёрининг машҳур кинорежиссёрларидан бири, “Ўзбеклар Ҳиндистонни икки марта забт этишди. Биринчи марта Бобуршоҳ лашкари ила, иккинчисиди Мукаррама Турғунбоева ўзининг қирқ нафар қизи билан”, деб ўзбек рақс санъатига юксак баҳо берган. Лекин афсуски, бугунга келиб миллий рақсларимизга анча пугур етди.

Муштини кўкрагига уриб мен балетмейстерман, дейдиганлар кўпайди. Улар истаганини қилишяпти, ҳеч нарсадан тап тортмай рақс ҳаракатларини бузишяпти. Ерни тепадими-ей, пешонасига урадими-ей. Ахир, ўзбек рақсида бундай элементлар йўқ. Айрим раққосаларнинг саҳнага кийиб чиқаётган кийими, тақаёт-

сий ансамблларнинг асосий мақсади — тўйга чиқиб пул ишлаш бўлиб қолди. Менимча, барча ансамбллар халқ олдидида ҳисобот концерти бериши шарт. Шунда халқ қайси жамоа қайси ишлаётгани, қайси балетмейстер янги рақс яратаётгани, қайси раққоса яхши ижод қилаётганини кузатиш имконига эга бўлади. Бадий кенгаш буларнинг барини назорат қилиши даркор. Бироқ қани ўша Бадий кенгаш? Фақат номи бор, ишини кўраётганимиз йўқ.

Маъмура ЭРҒАШЕВА, Ўзбекистон халқ артисти:

— Ҳозирги раққосалар устоз кўришмаяпти. Улар ўз билганларича ишлашяпти. Бизнинг “Баҳор” ансамблида деярли ҳар бир раққосанингни ўз шох рақси, яъни “таширф қоғози” бўларди. Бирор раққоса ҳақида гапирганда унинг ўша шох рақсидан таниб олишарди. Мукаррама опам билан “Муножот” устида 6 ой ишлаганмиз. Бугун ана шундай



“намозшомгул” дердилар. Саҳнага қарасангиз, чала рақсни кўрасиз. Бири ортада қолади, бири ҳаракатларни билмайди. Ўзини, томошабинни ҳурмат қилган раққоса ҳеч қачон бундай кўпол хатога йўл қўймайди.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА, санъатшунослик фанлари доктори:

— Раққосалар гўёки чиройли ҳаракат қилаямиз, деб ўйлашади, аслида бу ҳаракатлар маълум бир акробатик элементларни эслатади, холос.

Ўзбек миллий рақсларида халқимизга хос бўлган ор-номус, шарм-ҳаё, эзгулик каби хислатлар тараннум этилиши керак.

ПАРИЗОДА, раққоса:

— Мен ҳақимда, жудаям кўп мимика қиворади, деган

Турмуш ўртоғим қирқ ёшдан ошганида жаззак ва тажани бўлиб қолди. Сира кўнглига йўл топа олмаяман. Авваллари менга ҳам, фарзандларимизга ҳам бирдек гамхўр, меҳрибон эди. Ўғил-қизимизнинг бўйи чўзилиб қолганида эр-хотин арзиманган нарсалар устида жанжаллашиб турсак ноқулай бўларкан. Бир пайтлар: «Айрим эркаклар қирқдан ўтгач, айнийди», деган гап кулогимга чалинганди. Ёши улуг онахонлардан маслаҳат сўрасам, (бироз кулгили бўлса ҳам айтаман) «Хўжайинингизга атала пишириб берсангиз, феъли юмшайди, ирими шунча», дейишяпти. Нима қилишга ҳайронман. Бундай пайтда оиламиз бошлиғи кўнглига қандай йўл топсақ бўлади? Илтимос, маслаҳат беринг. АЗИЗА, Наманган вилояти.

ўхшайди. Одатда, кўпчилик эркаклар хамирли таомларни хуш кўришади. Эҳтимол, қачонлардир атала ҳам ана шундай сеvimли овқатлар сирасига киргандир.

Пайқаганмисиз, турмуш ўртоғингизнинг суюмли таомини пишириб, олдига қўйганингизда, жаҳли чиқиб турган бўлса-да, юзида табассум пайдо бўлади. Момоларимиз юқоридаги ўғити орқали: «Эркакка эътиборли бўлгин», дейишаётгандир, эҳтимол.

ўтиш ёшлари мавжуд. Психологларнинг фикрича, қирқдан кейин жисмида содир бўлаётган гормонал ўзгаришлар уларнинг мия фаолиятига ва асаб тизимига ҳам таъсир этиб, руҳиятида мураккаб қарама-қаршиликларни юзага келтирар экан. Ота ва оила бошлиғи сифатида зиммасидаги масъулиятнинг ортиб бориши бу ёшда уларни мулоҳазали қилиб қўяди. Айримлар эса бироз жаззак бўлиб

БУГУННИНГ ГАПИ

лар олдида бундай илмокли гапларни бошласангиз кўнгли оғрийд. Орияти топталади. Эътиборингизга интилиб, ширин сўзингизга муштоқ бўлиб эшикдан кириб келган эркакни нигоҳингиздаги совуқ шубҳа сиздан узоқлаштира бошлайди. Ўғил-қизлари олдида обрўсини тўкаётганингиз учун сизни ёмон кўриб қолиши ҳам мумкин.

Турмуш ўртоғининг кенг феълиги, очикқўллигини фазилат деб билмай, тирноқ остидан кир қидирган аёлларнинг фойда топмагани ҳақида ҳаётини мисоллар жуда кўп. Аксинча, ташвишлар юкидан толиқиб турган эркак на-заридан улар майдагап хотинга айланиб қолишади.

ЗИЙРАК БЎЛИНГ

Айрим аёллар бу ёшдаги эркакни оилага бутунлай боғлаб олиш учун минг хил найрангларни ўйлаб топишга уринадилар. Кимдир ташқи кийфасига зеб берса, бошқаси озишга ҳаракат қилади, яна бирови ёшроқ кўринишга уринади. Бундай имкониётларга эга бўлмаган айрим аёллар эса фолбинларга чопади. Ишқилиб, ҳар бир рафиқа нима қилиб бўлса-да, эрининг эътиборидан тушмасликка уринади.

Лекин шундай тоифа аёллар борки, улар оила бошлиғининг ҳар бир ташвишини, кўнглидан ўтаётган изтироблари ва қувончларини ҳис эта олишади. Турмуш ўртоғига қачон қандай гап айтишни, қайси пайтда муаммоларни унга етказишни яхши билишади. Бундай хонадонларда камдан-кам ҳоллардагина тушунмовчиликлар юзага келади.

Момоларимиз: «Эркакни хурмат қилган хотин, элда эъзоз топади», деган ўғитни ҳам аслида бежизга айтишмаган. Оиланинг фаровон, хонадоннинг обод бўлиши учун, энг аввало, ҳар қандай ёшда ҳам эр-хотин бир-бирини тушуниши, бир-бирига суяниши керак. Агар ишдан қайтган турмуш ўртоғининг авзойи бузук бўлса, унга бугун айтмоқчи бўлган муаммоларингизни етказмай туринг. Кўнглига қўл солиб кўринг-чи, нимадан ташвишланаётган экан. Агар буни сизга билдиришни истамаса, ундан хафа бўлиб, зарда қилишга шошилманг, демак, у кўнглидан ўтаётган дардини сизга раво қўрмай, ечим қидирмоқда.

Ҳамроҳон МУСУРМОХОН

«АТАЛА» ИРИМИНИНГ ҲИҚМАТИ

Ушбу мактубда ўртага ташланган масала кўпчиликни қизиқтириши табиий. Шу боис ҳам шу мавзуда фикрлашиш, мулоҳазаларимизни баён этишни лозим топдик.

Биз аёллар ҳамма эътибор ўзимизга қаратилишига одатланиб қолганмиз. Келинликнинг серюмуш кунларида, янги оилага кўниқиб олганимизча, эркакка неча бор ҳасратимизни тўкиб солганимиз эсимиздан ҳам чиқиб кетган. Қайнонанинг қочиримли гапларидан, қайсингилнинг инжиқ феълидан эрига арзи ҳол қилмаган келин камданкам топилади. Бундай пайтларда турмуш ўртоғимиз ҳаммиша яхши гап билан кўнглимизни кўтарган. Агар оиламизни асраб яшаётган эканмиз бунда эркакнинг ўрни, хизмати жуда катта.

Агар рўзгорда муаммоли вазият юзага келса: «Оила бошлиғисиз, ўзингиз ҳал қилинг», дея эркакка иддаоли назар ташлаймиз. Турмуш ўртоғимиз оғирликни сўзсиз зиммасига олади. Етишмовчиликдан қийналганимизда яна унга захримизни сочамиз. Қўлидан келганча муаммоларни бартараф этиб, рўзгорни бутлашга интилади. Дугонагизнинг қўша-қўша тилла тақинчоқларига ҳавасланиб гапирганингизда, имкони бўлса, ундан-да яхшироқларини сизга тортиқ этади. Бугунги кунда тўй-тўйчиқларга ясаниб бормайдиган, дугоналари, кўни-қўшнилари, ҳамкасблари билан гап-гаштакка ошикмайдиган аёлни топиш мушкул. Ўзи бир костюмни ўн йил кийса-да, «Давраларда мунгайиб ўтирма», дея кўнглини кўтариб, рафиқасини ясантириб қўядиган ҳам эркак эмасми?!

Бунга имкон тополмаган

ЭРКАК ҲАМ ЭЪТИБОРГА МУҲТОЖ



ЭНДИ БЎЗ ЙИГИТ ЭМАС

кезларда эса, кўзингизга термилиб: «Озгина сабр қилгин, ҳадемай, ҳаммаси яхши бўлади», дея ширин сўзи билан кўнглингизга йўл излайди.

Эркак ҳам меҳрга, эътиборга муҳтож эканини сира ўйлаб кўрганмисиз?

Аслида-ку унга кўп нарса керак эмас. Қимматбахо совғалар сўрамайди. Шунчаки, саранжом-сарийшта бўлиб, уни ёруғ юз, очик чирой билан қутиб олишингизни истайдди, холос. Ишдан чарчаб, толиқиб келганда юзингиздаги ширин табассумни кўриб, баҳри дили очилади. «Яхши келдингизми?» деган илиқ сўзингиз унга куч-қувват беради. Қўлингиздан бир пиёла чой ичаркан, чарчоқларини унутади.

Бувиларимизнинг: «Қирқдан ўтган эркакка атала ичирин керак», деган гаплари замирида ҳам ҳиқмат борга

қолади.

Авваллари биргина сизнинг кўнглингизга қараган бўлса, энди вояга етган ўғил-қизингиз ҳам отасидан меҳр-эътибор қутаётганини унутманг. Сизга қаратилган эътибор маълум маънода парчаланмаётган экан, бунга ижобий ёндашишни ўрганинг.

Унутманг, ушбу жараён оиладаги ва ҳаётдаги муаммолар ечимини топишда турмуш ўртоғингизнинг энг яқин дилдоши бўлиш учун сизга берилмаётган синов даври ҳамдир.

ҲИЁНАТНИНГ «ҲИДИ» СЕЗИЛЯПТИМИ?..

Бу ёшдаги эркакларнинг аксарияти моддий тарафдан тўла мустақилликка эришиб улгурган. Шу боис бошига ташвиш тушган ака-укаларига, опа-сингилларига ва ҳатто бегоналарга ҳам ёрдам қўлини чўзишга интилади. Гоҳида но-чорликдан қийналаётган бева, бечораларга кўмаклашиб, уларни ўз химоясига олишга чоғланади. Аммо буни рафиқасига сездирмасликка уринади. Кўнглига шубҳа оралашидан, дили оғриб қолишдан чўчиди.

Зийрак нигоҳингиз билан турмуш ўртоғингизнинг сиздан нимандир сир тутаётганини илғайсиз-у, бунинг тағига етишга уринасиз. Қўлингизда асосингиз бўлмаса ҳам, эрингизнинг хиёнатини иш-ботлашга ҳаракат қиласиз. Ҳар куни қочиримли ва кесаткли гаплар билан қутиб оласиз. У ноҳақ айбланаётганидан азият чекади. Агар фарзанд-

Кирқдан ошгунча эркак ҳаётнинг кўп синовларини бошдан кечиради. Оиласи, қариндош-уруғлари ва дўстлари олдидаги бурчларини яхши билади. Фарзандлари тарбиясига масъуллиқни юракдан ҳис этади. Бўйи чўзилиб бораётган ўғлининг, вояга етиб турган қизининг келажагини ўйлайди. Хуллас, зиммасида ташвишлари кўп. Бу муаммолар ечимини қидираркан, сиқилмайди, деб ўйлайсизми? Устига-устак: «Болаларнинг бўйи чўзилиб қолди, ҳадемай, уларни уйлаб-жойлаш керак», деб ҳар куни фақат ташвишлардан гапириб турган бўлсангиз... Албатта, унинг ҳам асаблари чарчайди.

Аёлларда бўлгани каби эркакларда ҳам ўзига хос

ТЎЁНА

«Тўйга тўёна билан борилади», дейилади халқимизда. Тўёна – тўй эгасига совға-салом олиб бориш демақдир. Тўй эгаларига қариндош-уруғлар, синфдошлар, курсдошлар, ҳамкасблар жамоа бўлиб қийматли нарса совға олишлари ҳам мумкин. Улар яқка-яқка холда новвос, қўй, улоқ, пул тўёна қилиши ҳам мумкин.

Тўёна моҳиятан, тўй бошлаган кишига моддий кўмак, қўллаб-қувватлашдир. Тўёна яхши ниятлар билан тўй бошлаган дўсти ёки қариндошининг ёнида мадад бўлиб туриш, хурсандчилигига шерик бўлиши белгисидир. Бу удум одамлар ўртасидаги меҳр-оқибатни кучайтиради. Тўй қилган одам атрофида шунча қўлловчи дўстлари борлигини кўриб қувонади ҳамда сарф-харажатлар борасида қийналиб қолмайди.

Унутилмас удумлар

КЕЛИН ГАПИРМАДИ

Хоразмда қадимдан хонадонга тушган келин одоб юзасидан бир йил давомида қайнонаси билан гаплашмайди. Қайнона хизматларини астойдил бажаради, қайнонасининг буйруқларини, топшириқларини қулқоқмай очик чехра билан адо этади. Аммо чурқ этиб оғиз очмайди. Биринчи фарзандини бешикка беллагандан сўнги қайнонаси билан гаплашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қайнота-келин муносабати эса бундан ҳам ажиброқ. Келин турмуш қурганидан сўнг неча йил ўтишига қарамасдан тўрт нафар фарзанд турмагунча қайнотаси билан гаплаша олмайди. Ҳатто қайнотасига унинг овози ҳам эшитилмаслиги керак. Бу орада келин қайнотасининг юмушларини бажариб юраверади, фақат уйда қайнотаси бор бўлган вақтда унинг овози чиқмаслиги керак.

Дамин ЖУМАҚУЛОВ



Австралиялик олимларнинг аниқлашича, рақс билан шуғулланувчи 40 ёшдан ошган инсонлар ўртасида юрак-қон томир касалликлари тенгдошларига нисбатан 50 фоиз кам кузатилади экан. Соғлиқ учун нафақат жисмоний фаоллик, балки хуш кайфиятнинг ҳам фойдаси катта.

Ортиқча вазн бош мия фаолияти тизимини ўзгартириши, хусусан хотиранинг сусайишига таъсир кўрсатиши мумкин экан. Олимлар аниқ пайтда вазн меъёрга келса, хотира тикланадими йўқми, деган масала устида бош қотирмоқда.



Ёнғоқларни истеъмол қилиш умрни узайтиради, дейишмоқда Гарвард университети олимлари. Ҳафтасига 60-70 грамм ёнғоқ еб юрган кишилар саратон, юрак хасталиги ва респираторли касалликларга камроқ чалинади экан. 60 грамм ёнғоқнинг фойдаси ҳафтасига 4 соат югуришнинг нафи билан тенг эмиш.

Италиялик тадқиқотчилар олиб борган кузатишлар натижасига кўра аёллар даврасида ўтирган эркеклар одатдагидан 70 фоиз кўпроқ овқат ер экан. Уларнинг фикрича, ушбу парадокс асосида эркекларнинг ўзларини соғлом ва бақувват қилиб кўрсатиш истаги ётармиш.

Маълумотларга қараганда дунё бўйича аёлларнинг 70 фоизини ортиқча вазн муаммоси қийнаб турган экан. Кўпчилик парҳез – озишнинг энг самарали усули, деб ҳисобланади.

Лекин бу унчалик осон эмас. Нотўғри парҳез натижа бермаслиги ёки аксинча, вазнининг янаям ошиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Унда нима қилиш керак? Ортиқча вазндан ҳалос бўлиш мумкинми? Бу борада яхшигина муваффақиятга эришган суҳбатдошларимиз ўз тажрибалари билан ўртоқлашди:

Ширин РЎЗМЕТОВА, 48 ёшда, уй бекаси. Уч ойда 10 килограмм вазн ташлашга эришган.

– Эътиборсизликми, дангасаликми вазним ортиб бораётганини сезмабман. Яхши нафас ололмай қийналадиган бўлиб қолдим.

Дугоналаримнинг маслаҳати билан парҳез қила бошладим. Парҳез – ирода синови. Одам ўзини тийиши жуда қийин бўларкан. Ўзингизни дунёдан узилиб қолгандек ҳис қиласиз. “Ҳамма еяпти, нега мен оч ўтиришим керак?!” “Бугун тўйиб олай, эртага кун бўйи оч юраман”, “Энди олма-ўрик бўлармидим, семирсам семиримманда” каби хаёллар тўхтовсиз таъқиб қилади. Парҳезни бузиш учун турли баҳоналар изладим. Вазним аввалгидан ҳам ошиб кетди. Охир-оқибат шифокор кўригидан ўтишга мажбур бўлдим. Шифокорим табибий усулда вазн ташлаш бўйича қуйидаги тавсияларни берди:

1. Сувни етарли миқдорда қабул қилиш лозим. Салқин ичимликлар, қайнаган сув, шарбат ва чой бундан мустасно. Оддий, газланмаган сув ичиш лозим. Ҳар 25 килограмм вазнга 1 литр сув меъёр эйтиб белгиланган. Вазнингиз 75 кг бўлса, демак кун давомида 1 стакандан 3 литр сув ичиб юриш керак. Қолган суюқликлар меъёрга кирмайди.

2. Организм оч қолишига йўл қўймаган. Тез-тез, кам-камдан овқатларнинг. Кунига 5 маҳал овқатланиш лозим.

3. Писта, ёнғоқ, бодом каби маҳсулотлар, ширинликлар, меваларни куннинг биринчи ярмида истеъмол

ЎХУД ОРТИҚЧА ВАЗНДАН ХАЛОС БЎЛИШ ҲАҚИДАГИ ГАПЛАР ЧЎПЧАК ЭМАС

қилинг. Музқаймоқ, кремли пиширилardan тийилган маъқул.

4. Нонушта қилмаслик семиришга олиб келади. Оқсил ва витаминларга бой маҳсулотларни бирга, қўшиб истеъмол қилиш зарур. Айри ҳолда қабул қилсангиз вазн ортишига олиб келади.

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

5. Кун давомида 3 бўлақдан ортиқ нон еманг.

6. Асосийси, қабзиятга дучор бўлманг. Доимо ўзингизни текшириб юринг. Лавлаги, гречка, перловка тановул қилинг. Улар модда алмашувини яхшилайдди. Ичаклардаги шлакларни тозалашга ёрдам беради.

7. Ойига 3-4 кг. вазн ташлаш яхши натижа. Бирданига кўп вазн ташлаш ҳам организм учун хавфли. Озиш жараёни аста-секин рўй бергани маъқул.

Етарли миқдорда сув ича бошлашингиз билан рангингизга ранг кириб, юздаги доғлар кетади. Беш маҳал овқатланиш орасида қорнингиз очиб қолса, туршак, турли қуритилган меваларни еб ошқозонни алдаб туриши мумкин. Кунлик рационингизда албатта, кўкатлар бўлишига эътибор қилинг. Гуручли таомларни камроқ тановул қилинг. Сотиб олиш жараёнида ҳар бир маҳсулотнинг ёрлигига кўз ташланг. Минерал моддалар миқдори берилган бўлади. Иш билан банд инсонлар доимо ўзи билан емак олиб юришлари лозим. Овқат емасам тезроқ озаман, деб ўйлайдиганлар адашади.

Жанона АНВАРОВА, 42 ёшда, тадбиркор. Етти ой давомида 18 килограммга озган.

– Кам овқат ейишимга қарамай, вазним орта бошлади. Бора-бора уй-

қумни йўқотдим. Юрагим сикилиб, юришга қийналардим. Бир кун тонг саҳарда уйимиз яқинидаги боғ атрофида югуриб юрган одамларга кўзим тушди. Улар орасида аёллар ҳам бор эди. Мен ҳам тезда тонгги спортчилар жамоасига қўшилдим. Уларнинг маслаҳати билан ишни қоришдан бошладим. Бироз вақт ўтгач, енгил машқлар билан шуғулландим. Тез орада танамда, руҳиятимда кечаётган ўзгаришларни сеза бошладим. Фикрим тиниклашди, кайфиятим кўтарилди, ишчанликим ошди. Тиниқиб ухлаб, барвақт уйғонадиган бўлдим.

Жамоамизда спорт мураббийи бўлган боис ундан қуйидаги жисмоний машқлар кетмакетлигини ўргандим:

Аввал 30 дақиқа давомида пиёда юринг. Вақт ўтиши билан масофани узайтириб боринг.

Аргимчоқда сакраш, бадан тарбия билан кунига 10 дақиқа шуғулланиш фойдалли.

Ўзингиз учун кундалик машқлар белгилаб олинг: лифтвада эмас, зинадан чиқинг, яқинроқ жойларга машинада эмас, пиёда боринг. Тушликдан сўнг сайрга чиқинг, уй юмушларини тез-тез бажаринг, боғда ишланг. Ёғларни эритиш учун (дам олиб) қисқа шиддатли машқлар қилинг-да, илик сувда ювининг.

Машқ давомида сув ичиб туринг. Оч қоринга ёки овқатланиб дарров машқ бажариш мумкин эмас.

Юрганингизда бурундан нафас олиб, оғиздан чиқаринг. Бу ҳолатни

тез-тез бажаринг. Агар бошингизда оғриқ сезиб, кўнглингиз айниса, тўхтаб дам олинг.

Бўш қолдингизми, мусика тинглаб, рақсга тушинг. Ҳам кайфиятингиз кўтарилади, ҳам тетиклашасиз.

Мазкур машқлардан сўнг секин югуришга ўтсангиз ҳам бўлади. Тез югуриш шарт эмас. Югуратганингизда қўлларингиз ҳаракатига эътибор беринг. Орқага, олдинга сезиларли ҳаракатлансин.

Агар жисмоний ҳаракатлардан сўнг қўл, оёқларингиз чарчаганини сезсангиз, пастга қараб қаттиқроқ силкитинг. Бир неча марта такрорланг. Чарчоқни дарров таркатади.

Вазн ташлашга руҳан тайёр бўлишингиз керак. “Шунча ҳаракат қилаяман-ку, нега озмаяпман”, деган гапларни хаёлингиздан чиқариб ташланг. Асабийлашманг. Дарғазаблик ортиқча тановулга етаклайди. Машқларни чин дилдан бажаринг.

“Бу гапларни биз ҳам биламиз, бизга тез, осон, захмат чекмасдан озиш йўлларини ўргатинг, қўлингиздан келса”, дейишингиз мумкин. Хориждан келтирилган қимматбаҳо дори воситалари фойда бермаганини, ортиқча вазн сабаб соғлигингиз яхши эмаслиги, ўзингиз истаган либосини кия олмаётганингиз ҳақида дугонангизга зорланаётганингизда бир нарсадан унутманг – йиллар давомида йўқотганингизни бир зумда, осонгина топа олмайсиз. Тоққа чикмасанг, дўлона қайда, деган машойихлар. Иродангизни синанг.

Дилноза ЖҲРАЕВА

ИРОДАНГИЗНИ СИНОВГА СОПИНГ



СУМАЛАК — ЭЗГУ ТИЛАКЛАР ТАОМИ

Ҳар баҳор дошқозонларимизда сумалак қайнайдди. Бу миллий қадриятимиз аллақачон оилавий анъанага айланиб улгурган.

Тошкент шахрининг Миробод туманидаги Янги Замон маҳалласида яшовчи Махсума ая Норқўзиёва умр йўлдоши Абдор ака билан 4 кизни уйли-жойли қилиб, ҳозирда набиранлар қуршовида умргузаронлик қилмоқда. Ҳар баҳорда бу хонадонда сумалак қайнайдди.

— Илгари қайнонам раҳматли бошчилигида сумалак



пиширар эдик. Ҳозиргача сумалакни қайнонам ўргатганидек тайёрлайман. Қизларим, жиянларим, яқинларим менга ёрдамлашади. Уйимиз ёру биродарлар, қуда-андаю жигарлар, қўни-қўшнилари билан гавжум бўлиб кетади. Келган

одам борки, ният қилиб сумалак қавлайди, ўйин-кулгу қилади — ҳовлимиз гўё тўйхонага айланади.

Сумалакни ҳамма ҳар хил усулда тайёрлайди. Баъзан тажрибасизлик сабаб кўнгилдагидек чиқмай қолиши ҳам мумкин. Сумалак ҳам мазали, ҳам етилиб пишиши учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш керак. Сумалак — кўпчиликнинг меҳнати билан тайёрланадиган таом. Кўпчиликнинг ризиқи. Шу боис аввало, поклашиб, доу қилинади. Эзгу ниятлар билан бугдой ювилиб, нишаб ҳолатда турган

хонтахтага ёйилиб, қоронғи жойда ундирилади. Унга дамба дам сув қуйилиб турилади. Бугдой иссиқ жойда 3 кунда униб чиқади. Униб чиққан майсалар кесилиб, гўштқиймалагичда шираси олинади.

...Сумалак 16-18 соат давомида қайнаши лозим. Қайнаб қуюлгач, учинчи бор шарбат солиниб, қавлаб турилади. Унга ранг, таъм киргач, дим-

КАДРИЯТ

ланади. Эътибор қилинса, қозондаги сумалак юзасида ҳар хил шакллар, ёзувлар кўринади.

Бу йилги сумалагимизнинг юзасида товуснинг сурати кўринди. Товус тинчлик, осойишталик рамзи сифатида юртимизга ободлик, хотиржамлик келтирсин, дея дуо қилдик.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

ЭЪЛОН

Яшнобод тумани БТИси томонидан Исаков Умарга 1990 йил 20 декабрда берилган № 535/37 рақамли кадастр уй режаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

СОБИРЖОН МЎМИНОВ:

Бозорни ким қилади?

«Ё, ТОВБА»

БОЗОРДА ОТАМНИНГ ГАПНИ ХОТИРЛАЙМАН



— Болалигимни эсласам, отам акаларимни бозорга эргаштириб боргани ёдимга тушади. Вақт ўтиб, отам тажрибасини ўргандим. Эракк киши аввало, бозорни оиласида ўрганади. Тўғри, қизиқларим сабаб кўп вақтим санъат ичида ўтган. Аммо эракк рўзгорнинг камини тўлдириши зарур. Ҳатто, оилани бўлганимдан сўнг бозор сирларини фарзандларим ва шогирдларимга ўргатганман. Хозирда улар рўзгорнинг кам-кўстини ўзлари тўлдиришади. Яқин ўн йил ичида аёлим ва ўғилларим керакли нарсаларни харид қилишадиган бўлди. Мен кийим-кечак ҳамда гўшт маҳсулотларини олиб келаман. Чунки буларни танлашга жуда талабчанман. Гўштнинг лаҳми, суягини, янги ёки эскирганини билиб олиш қийин. Янги гўштининг ранги тиниқ, юмшоқ бўлади.

Юртимизнинг турли вилоятларида ва хорижда бўлганман: бозорларга қираман. Чунки бозорларни айланиб, инсонлар ҳақида кўп маълумот

лар олиш мумкин. Айниқса, замонавий либосларни томоша қилишни, харид қилишни ёқтираман. Чунки кийим инсоннинг нафақат кўрки, балки у ҳақида дастлабки хулосани ҳам беради. Дунёнинг қайси бурчагидан туриб либос харид қилмай, аввало, миллийлигимизга эътибор бераман.

Савдогарлар орасида санъаткорларга маҳсулотини қиммат ўтказадиганлари ва аксинча, ҳавасмандлик билан кўшимча маҳсулот берадиганлари топилади. Лекин совға бераётган экан деб, маҳсулотнинг пулини бермаслик нотўғри. Борди-ю, олганингизнинг ҳаққини берсангиз-у, олишни иштамасиз: “Мана бу, энди меники, ихлосингиз ва ҳурматингиз учун раҳмат. Лекин сиз ҳам бу пулни оласиз. Йигиб қўйсангиз, тўйларга борганда берарсиз”, дея уларни хафа қилмайман. Шу ўринда бир нарсани айтишим ўринли. Баъзан эракклар орасида ҳам харидни тўғри қила олмайдиганлари учиради. Шундай аёллар борки, бозор қилишни эракк кишидан-да яхшироқ уддалайдилар. Рўзгордаги сарамжомликни сақлаган ҳолда, кам-кўстини назорат қилиб туришда эракк ёки аёл деб ажратилмайди.

Баъзан бозорларда аёл кишини

икки қўлига катта-катта сумкаларни ушлаб олганча, ёлғиз ўзи қийналиб, оғир юк кўтариб кетаётганига гувоҳ бўламан. Бу ҳолатга мутлақо қаршиман. У бозорга борганида ёнида ёрдамчиси бўлиши керак. Оғир юк кўтариш эраккларнинг зиммасидаги вазифа. Лекин, аёллар кўп ҳолларда ўзлари айланиб, бозор қилишни хуш кўрадилар. Мана шундай ҳолда уларнинг хоҳиш-истакларига қарши чиқиш фойдасиз. Оиламизда меҳмондорчилик кўп бўлиб туради. Келди-кеттилик уйда нарса тугаб қолишига иложи борича йўл қўймаслик керак. Шунинг учун доимо оиламиздагиларга: “Маҳсулотлар тугашидан бир-икки кун олдин айтинлар”, дейман. Улар ҳам мана шунга одатланишган. Меҳмондорчилик мўлжалини билиш зарур. Отам раҳматлининг: “Эракк киши кўчада бемалол юришидан аввал рўзгорини бутлаши керак. Бўлмаса, унинг олиф-тагарчилик қилиб юриши фойдасиз”, деган гапи бор эди. Уйда оиласи муҳтож бўла туриб, ўзи чойхонама-чайхона улфатчиликларда ялло қилиб юриши йигитга ярашмайди. Рўзгорда албатта, шохоналик шарт эмас, оддийгина кундалик маҳсулотларни, емоқ-ичмоқни таъминлаган дуруст.

“Оила ва жамият” муҳбири
Ширинхон МЎМИНОВА
ёзиб олди.

Боғу роғларда бодраган қизгалдоқлар гулгун очилмоққа ошиққан-ди, ушанда. Кибр баркут булутлар томон буй чўзишга шайланган бир гулнинг қулоғига дебди: “Йўқ, йўқ, ҳозир эмас! Қачонгача ён-верингдгилар соясида гуллайсан! Ахир, рангинг тиниқ, қаддинг эгилмаган. Навога хиром айлаганингда ҳатто, қушлар шайдолигидан тепангдан кетолмай қолади. Агар, ҳозир уларга қўл берсанг, ҳуснинг тароватини йўқотади. Тоғ кўксидаги ягона гул бўлишингга ҳали вақтли, бироз шошмай тур”.

У дастлаб бу сўзларга аҳамият бермади. Бироқ хар гал қаддини ростлашга уринганда гўё борлиқ биргина шу сасдан иборатдек жараёнларди. Қизгалдоқ секин-аста ғойибона сўзлар қулига айланди.

Дугоналари уни ухлаган гумон қилиб, уйғотишга тутинишди: офтобдан оташин меҳр, шамолдан эпкин сўрашди. Кибрланган қалб эзгулик навозишини англолмаслигини булар қаердан билсин? Бир-бирига суяниб, елка тутиб, беташвиш гуллаётган чечаклар учун бу жудодик оғир эди. Улар айрилиқ алаmidан ерга тикилганча сўйли бошлашди.

Меҳрибонларининг жонкуярлиги, улар юзида зоҳирланган ҳасратни жимгина кузатган қизгалдоқ: “Куюнманглар, ҳали уйғоқман. Сизлар билан ҳазиллашмоқчи бўлганим, азизларим”, дея ердан отилиб чиққиси, уларни кучгиси келар, бироқ, у кибринг асирига айланганди.

Дугоналар жудодик аламида сўйлиб бораётган бир паллада самони булут қоплаб, шаррос ёмғир ёғди. Тоғ бағрига яна тароват қайт-

ОНИЙ УМР ШАВҚИ

ди, кўклам ифори оламини тўтди. Офтобу шамол, тупроқ ва гуллар тириклик кўшигини куйлашди.

Одамлар адирларга ошиқди. Оловранг гулчамбарлар буйқизларнинг сочига ярашиб, муҳаббатдан сўйлай бошлади. Севимли опа-сингиллари кадрини ҳар недан баланд тутган лолакизгалдоқлар бир-бирига елка тутди.

Уша гул эса қуёшга тик боқиб, исикдан майсалар қовжираган пайти бошини кўтариб, самога буй чўзди. У бир ўзи тоққа хусн бўлгиси келарди: “Ҳозир офтобга қараб қўл чўзиб, майин еллар билан ўйнашаман. Тоғ бағридаги ягона, энг сулув гулни кўргани одамлар мен томон шошилади”.

Бироқ заррин нурлар унинг юзларини сийпаламади, энди майин еллар ўрнини иссиқ ва бўғиқ гарм-

сел эгаллаганди. У унутилган кўшиқдай барчанинг ёдидан кўтарилганини англамасди. Қизгалдоқ нимадир кўксини куйдираётганини туйди. Оромбахш кечаларда, мавжудотлар уйкуга кетганда, ўзи билан ўзи танҳо қолган кезларда юрагига ёпишган оғриқ авж олаётганини хис этарди.

“Сен ёлғизликка маҳкумсан. Худбин қалбинг ўтда ёнишга лойиқ”, дерди кимдир унга. Сарғайган рангидан кўклик таровати кетган майсалар орасида меҳр ва эътиборга муштоқ қизгалдоқ ногаҳон уни

опа-сингилларидан айирган ва бугун надомат ичра куйдираётган — кибр эканини билиб чўчиб кетди.

Пушаймонлик, кадрдонлари соғинчи лолакизгалдоқ ичини куйдириб, ол ранги қорайди. У қуёшга маънос тикилганча алам билан деди:

— Эй, Она Табиат, мен алдамчи ҳислар асирига айландим! Кадрдонларимсиз, на заминга, на ўзимга керакман. Ҳеч қачон гул якка ўзи чаман бўлолмас экан. Шундай қилки, мени оҳанрабодай ўзига тортган худбинлик овозини заминда илдиш отган бирон гиёҳ сира эшитмасин.

Маърифат
АБДУҲАМИДОВА

ДУНЁДАГИ БИРИНЧИ “СОҒЛОМ ЕТТИЛИК” 18 ЁШНИ ҚАРШИЛАДИ

1997 йилда америкалик жуфтлик Кенни ва Бобби Маккогилар хонадониди бирваракайига етти фарзанд дунёга келди. Бу сана тарихда биринчи бор туғилган “соғлом еттилик” сифатида эътироф этилди: тўрт ўғил ва уч қизга: Кенни, Брендон, Натан, Джоэл, Келли, Натали ҳамда Алексис деб исм қўйилди. Оиладаги гамхўрлик ва ўзаро ҳамжихатлик Кенни ва Боббига фарзандлар тарбиясида ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтишда мардонавор куч бўлди. “Соғлом еттилик” лақабини олган эгизаклар 18 ёшга тўлди.

ОЁҚСИЗ МУРАББИЙ

Зак Рул мўрт суякли оёқлар билан туғилгани сабабли шифокорлар унинг оёқларини жарроҳлик йўли билан олиб ташлашга мажбур бўлган. Шу йўл билангина улар Закнинг ҳаётини сақлаб қола олган. Шунга қарамасдан, йигит соғлом турмуш тарзи қуришга муваффақ бўлиб келмоқда. У бодибилдинг машқларини мунтазам равишда бажариб туради. Асосийи, хозирда гуруҳи бўйича мураббийлик қилади.

ЖАҲОНДА ИЛК МАРТА ОТЛАРГА КОСТЮМ ТИКИЛДИ

Буюк Британиянинг Глостершир Графлигида навбатдаги от пойғаси ўтказилди. Унда отларга муносиб бўлган кийимлар кетма-кетлиги биринчи бора намоиш этилди. Мазкур коллекция машҳур модельер Сэнхэм-Кинг Эммо томонидан яратилди. Либослар 10 кишилик бичимни эгаллайдиган, қимматбаҳо матолардан тайёрланган. Ушбу костюмлар “Cheltenham festival 2016” мусобақасида кутилмаган бурилиш ясади. Қизиғи, Морстид лақабли от ўз либосини бажонидил кийган ҳолатда мухлисларни ҳайратда қолдирди.

ФОТОСУРАТЧИ ДЭЙВ ЗДАНОВИЧДАН ЯНГИ МАНЗАРАЛАР

Англиялик фотосуратчи Дэйв Зданович уч йиллик фаолияти давомида тўплаган суратларини омамага тақдим этди. Кўплаб мукофотларга лойиқ топилаган ажойиб расмлар табиат гўзаллигидан сўйлайди. Суратларга боққан хар қандай томошабин мусаффо осмон, баланд тоғлар, жимжимадор сув ҳавзаларининг жонли аксига гувоҳ бўлади.

Д. ЖҲРАЕВА

Оила
Жамият

Ижтимоий-сиёсий,
маънавий-матрифий газета

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар
қўмитаси, “Болалар ва
оилаларни қўллаб-қувватлаш”
ассоциацияси (Болалар
жамғармаси) ва “Соғлом авлод
учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир:
В. Луқмонов

Обуна
индекси — 176

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент — 100000.
Амир Темури кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс)
233-28-20, Котибият:
233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 336. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 6749. Баҳоиси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти — 15:00 Топширилди — 15:00

Масъул муҳаррир: О. Жумабоев
Мусаҳхихлар — С. Сайдалимов,
К. Адашбоева

Газета таҳририят компьютер марказида
теририди ва саҳифаланди

Саҳифаловчи — А. Маликов

ISSN 2010-7609



1 2 3 4 5